

А Ж Р И М

(томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақида)

2024 йил 16 август куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди, ўз биносида ҳамда видеоконференц алоқа орқали боғланган ҳолда, очиқ суд мажлисида, судья Б.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Сайфуллаевнинг котиблигида, Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Ақромов, судланувчи У.Ш.Ф ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат У.Мухаммадиев, жабрланувчи Г.Жнинг иштирокида, У.Ш.Фга нисбатан 1-1007-2402/502 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

У.Ш.Ф (U.S.F), 1900 йил 00 июнь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, “Тошкент тиббиёт академияси”нинг 6-босқич талабаси, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, “0000” МФЙ, Дадил 000-тор кўчаси, 0000-уйдаистикомат қилувчи, иш бўйича “шахсий кафилик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 5 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, уларнинг аризалари ва жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Айблов ҳулосасига кўра, У.Ш.Ф 2024 йил 4 июль куни соат 07:30 ларда, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Ж.Г.М билан биргаликда Учтепа тумани 00-мавзеда жойлашган “000000” номли меҳмонхонада бўла туриб, Г.Ж меҳмонхонанинг ювиниш хонасига кириб кетганлигидан фойдаланиб, Г.Жга тегишли меҳмонхона ётоқхонада қаровсиз турган нархи 4.000.000 сўмлик “Самсунг А22” русумли телефон аппаратини, телефон аппарати ғилофи ичида бўлган 200 АҚШ доллари ва 200.000 сўм миқдордаги пулларни яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Дастлабки тергов органи томонидан У.Ш.Ф Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланувчи тариқасида жалб этилган.

Судланувчи У.Ш.Ф суд мажлисида ярашиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йил 04 июль куни Ж.Г.М билан Учтепа тумани 00-мавзеда жойлашган “000000” номли меҳмонхонага бориб, Г.Ж меҳмонхонанинг ювиниш хонасига кириб кетганлигидан фойдаланиб, “Самсунг А22” русумли телефон аппаратини, телефон аппарати ғилофи ичида бўлган 200 АҚШ доллари ва 200.000 сўм миқдордаги пулни ўғирлаб



олганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрор эканлигини, содир этган қилмишини оқибатларини англаганлигини, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи Г.Ж билан ўзаро ярашиб олганликларини, ушбу ярашув бирон-бир тазйиксиз амалга оширилганлигини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида видеоконференц алоқаси орқали сўроқ қилинган жабрланувчи Ж.Г.М суд мажлисида ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирда судланувчи У.Ш.Ф томонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, У.Ш.Фга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашиб олганликларини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, У.Ш.Фга оид жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Г.Ж ҳамда судланувчи У.Ш.Фнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорнинг катта ёрдамчиси Б.Акрамов ҳамда адвокат У.Мухаммадиевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, судланувчи У.Ш.Фнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув судланувчи ва жабрланувчини хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, У.Ш.Фга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, суд иш юзасидан ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона компакт дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашликни, жабрланувчи Г.Жга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланувчи тариқасида жалб этилган **У.Ш.Ф (U.S.F)**га нисбатан юритилган 1-1007-2402/502сонли жиноят иши



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига кўра тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Судланувчи У.Ш.Фга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона компакт диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Жабрланувчи Г.Жга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасининг 5-қисми талаблари, яъни мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон ўн кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг апелляция инстанциясига хусусий шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Каримов

Нусхаси аслига тўғри:

